



TYPOLOGY AND COMMUNICATION VECTORS OF PUBLIC DIPLOMACY: AN ANALYSIS OF “BOTTOM-UP” AND “TOP-DOWN” INFLUENCE DIMENSIONS

Otabek Kudratovich Alimardonov

PhD in History

Associate Professor of the Department of

“Contemporary History of Uzbekistan” at the Faculty of History

National University of Uzbekistan

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: public diplomacy, typology, P2P communication, complementary model, supplementary model, adversarial initiative, strategic influence.

Received: 04.08.25

Accepted: 04.08.25

Published: 04.08.25

Abstract: This article develops a theoretical typology of public (people-to-people) diplomacy by classifying its initiatives based on directionality (bottom-up and top-down) and their relationship to state policies (complementary, supplementary, adversarial). The study explores the vectors of communication and their potential to influence foreign policy. A two-dimensional model is presented to explain the complexity of P2P diplomatic interactions and to provide a theoretical framework for analyzing their roles in contemporary international relations. The research offers valuable insights into the positioning and strategic implications of non-state diplomacy.

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ ВА МУЛОҚОТ ВЕКТОРЛАРИ: “ПАСТДАН-ЮҚОРИГА” ВА “ЮҚОРИДАН-ПАСТГА” ТАЪСИР ДИРАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Otabek Kudratovich Alimardonov

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

тарих факультети “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти

Ўзбекистон Миллий университети

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: халқ дипломатияси, типология, P2P мулоқот, тўлдирувчи

Аннотация: Мазкур мақолада халқ дипломатиясининг назарий типологияси

модель, кўшимча модель, мухолиф шаклантирилиб, унинг ташаббус келиб ташаббус. ташаббус. чиқиш йўналиши (пастдан-юқорига ва юқоридан-пастга) ҳамда ҳукумат сиёсатиға нисбатан муносабати (тўлдирувчи, кўшимча, мухолиф) асосида тасниф этилади. Шунингдек, мулоқот векторлари ва уларнинг ташқи сиёсатга таъсир доиралари таҳлил қилинади. Типология асосида икки ўлчамли модел яратилиб, замонавий жамоатчилик дипломатиясидаги мураккаб муносабатлар тизими назарий жиҳатдан асослаб берилади. Тадқиқот халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатда P2P ташаббусларнинг ўрнини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

ТИПОЛОГИЯ И ВЕКТОРЫ КОММУНИКАЦИИ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ: АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ «СНИЗУ ВВЕРХ» И «СВЕРХУ ВНИЗ»

Отабек Кудратович Алимардонов

Кандидат исторических наук (PhD)

Доцент кафедры «Новейшая история Узбекистана» исторического факультета

Национального университета Узбекистана,

alexkhanfrank@gmail.com

Ташкент Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: народная дипломатия, коммуникация, вспомогательная инициативы.</p>	<p>слово: типология, дополняющая модель, оппозиционные</p>	<p>народная P2P-модель, оппозиционные</p>	<p>Аннотация: В статье представлена теоретическая типология народной (P2P) дипломатии, основанная на направленности инициатив («снизу вверх» и «сверху вниз») и их отношении к государственной политике (дополняющие, вспомогательные, оппозиционные модели). Анализируются векторы коммуникации и их потенциал влияния на внешнюю политику. Предлагается двухмерная модель для теоретического осмысления сложных взаимодействий в сфере общественной дипломатии. Исследование подчеркивает значимость P2P-инициатив в современной системе международных отношений.</p>
--	---	---	--

Кириш. Халқаро муносабатлар тизимида давлатлар ўртасидаги расмий дипломатик муносабатлар билан бир қаторда, нодавлат актёрлар, жамиятлар ва оддий фуқаролар ўртасидаги алоқалар ҳам ташқи сиёсатнинг турли жараёнларига таъсир кўрсата бошлади. Ана шу жараёнлар заминида шаклланаётган P2P (People-to-People) ёки халқ дипломатияси бугунги кунда анъанавий дипломатияни тўлдирувчи, ундан мустақил равишда ҳаракат

килувчи ва айрим ҳолларда унга қарама-қарши турувчи ижтимоий сиёсий феномен сифатида таҳлил этилмоқда.

Дипломатия амалиёти одамларнинг ўзларига бегона бўлган шахслар билан мулоқот қила бошлаган даврларидан бери мавжуд. Моҳиятан, дипломатиянинг асосини турли сиёсий тузилмалар ўртасида тинчликни сақлаш учун ўрнатилган мулоқот ва вакиллик амалиётларини қўллаш ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар. Халқ дипломатияси – бу ташқи сиёсатга таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатишни мақсад қилган, хусусий бўлмаган, балки жамоат манфаатлари йўлида одамлар гуруҳлари ўртасидаги мақсадли, сиёсий ва трансчегаравий мулоқотга асосланган ўзаро алоқалар мажмуи[1;1]. Ушбу таърифга кўра халқ дипломатияси расмий дипломатик муносабатларни, ҳарбий ҳаракатларни ўз ичига олмайдиган, аксинча сиёсий мақсадларга эга бўлмаган ёки расмий ташқи сиёсатга алоқадор бўлмаган, халқлар ўртасидаги алоқаларни, соф халқаро алмашинувларни, шахслараро муносабатларни ифода этади.

1-жадвал: Халқ дипломатияси типологияси

	Юқоридан пастга ↓	Пастдан юқorigа ↑
Тўлдирувчи модель	Ташқи сиёсат мақсадларини амалга ошириш учун маҳаллий фуқароларни жалб этувчи ҳукумат ташаббуси ёки ҳомийлигидаги дастурлар. М: Ҳукумат томонидан ташкил этиладиган алмашинув дастурлар.	Давлатнинг ташқи сиёсат мақсадларига мос, аммо улардан мустақил бўлган сиёсий мақсадли нодавлат ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган дастурлар. М: тинчлик семинар-тренинглари, ёшлар форумлари ва ҳоказо
Кўшимча модель	Расмий халқ дипломатия каналлари мавжуд бўлмаган жойларда ташқи сиёсий мақсадларни амалга ошириш ва бўшлиқни тўлдириш учун маҳаллий фуқароларни жалб қиладиган ҳукумат ташаббуси ёки ҳомийлик дастурлари. М: Ҳукумат ташаббуси билан ташкил этилган II йўл дипломатия ва тинчлик семинарлари	Расмий халқ дипломатия каналлари мавжуд бўлмаган жойларда ўз мамлакатининг ташқи сиёсат мақсадларига мос келадиган, аммо улардан мустақил, сиёсий мақсадларга эга бўлган нодавлат субъектлар томонидан ташаббус қилинадиган дастурлар.
Қарама-қарши модель	Мавжуд эмас	жамоатчилик билан халқаро миқёсда алоқа ўрнатиш ва мулоқот қилиш орқали ҳукуматларнинг қиёфаси ва/ёки сиёсатига қарши чиқадиган халқ ташаббуслари. М: Трансмиллий ҳимоя тармоқларининг кампаниялари, нодавлат фаолларнинг ўз ватани ҳақидаги тасаввурлар майдонига эътироз билдириши

Ушбу жадвалда икки мезон(ўлчов)ли халқ дипломатияси типологияси тасвирланган бўлиб, биринчи мезонда халқ дипломатияси ташаббусларнинг сиёсий таъсирга эришишга қаратилганлиги ва бу жараёнда “пастдан-юқорига” ёки “юқоридан-пастга” тамойиллар асосида амалга оширилишидир.

“Юқоридан-пастга” (top-down) тамойили – сиёсий ташаббуслар ҳокимият даражасида бошланиб, кейинроқ жамоатчиликни жалб этишга қаратилганлигини англатади.

“Пастдан-юқорига” (bottom-up) тамойили – ташаббуслар маҳаллий даражада, яъни grassroots (оддий фуқаролар) даражасида бошланиб, сиёсий элита ёки ҳокимиятга таъсир ўтказишни мақсад қилган ҳолда амалга оширилишини англатади.

Ушбу алмашинувларнинг айримлари ҳукуматлар томонидан бошланганига қарамай, ҳукуматларнинг роли фақат уларни лойиҳалаш, бошлаш, йўналтириш ва тезлаштириш билан чекланади. Бу жараёнларнинг аксарияти – шахслараро мулоқот, муносабатлар ўрнатиш, ижтимоийлашув ва шахсият шаклланишининг ўзаро боғлиқлиги – ҳукумат назоратидан ташқарида рўй беради. Бу алмашинувлар юқоридан пастга қараб сиёсий натижалар яратишга қаратилган бўлиб, ҳукуматлар ўз ташқи сиёсат мақсадларига эришиш учун фуқароларидан мақсадли фойдаланади. Бошқа томондан, айнан одамларнинг ўзлари, одатда, халқлараро алмашинувларни бошлаб, нафақат ҳамкорлари билан мулоқот қилиш, балки сиёсий жараёнларни пастдан юқорига қараб, аста-секин шакллантириш ва умумий таъсир кўрсатиш учун ҳаракат қилади.

Типологиядаги иккинчи мезон эса мазкур ташаббуслар ўз ҳукумати томонидан олиб борилаётган тўғридан-тўғри халқ дипломатияси фаолиятларига нисбатан тўлдирувчи (Complementary), қўшимча (Supplementary) ёки муҳолиф (Adversarial) хусусиятга эгаллигини ифодалайди.

Тўлдирувчи модель ўз мамлакатининг ташқи сиёсат мақсадларига мос келадиган ва унинг халқ дипломатия фаолиятини тўлдирадиган халқаро алоқаларни англатади. Ҳукумат ташаббуси билан ташкил этилган алмашинув дастурлари, айниқса узоқ муддатли дастурлар, “юқоридан пастга қўшимча” моделга киради. Шунингдек, ҳукуматнинг мақсадларига параллел мақсадларни кўзлаган хусусий ташаббуслар эса “пастдан юқорига тўлдирувчи” модели доирасига киради.

Қўшимча модель расмий халқ дипломатияси мавжуд бўлмаган ёки етарли даражада олиб борилмаётган шароитда юзага келган бўшлиқни тўлдирадиган халқлараро фаолиятни англатади. Бундай ҳолат, эҳтимол, мамлакат ҳукумати ва мақсадли давлатлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар туфайли юзага келган бўлиши мумкин, аммо бундан доимий душманлик хулосаси келиб чиқмайди. Юқоридан пастга йўналтирилган қўшимча дастурларга ҳукумат ташаббуси билан бошланадиган ёки қўллаб-қувватланадиган, ички

хукуматнинг расмий ваколатхонаси чекланган рақобатдош мамлакатлардаги халқлараро алмашиш дастурлари кириши мумкин.

Масалан, Жанубий Корея ҳукумати Шимолий Кореяда бошқа мамлакатлардаги каби мунтазам равишда халқ дипломатияси тадбирларини ташкил этиш имконига эга эмас. Бу эса маълум бир “бўшлиқ (вакуум)”ни вужудга келтиради. Чегара худудида ҳукумат томонидан мақулланган ва чекланган тарзда амалга оширилаётган халқлараро алмашинувлар Жанубий Кореянинг Шимолий Кореяга қаратилган жамоатчилик дипломатияси мақсадларини бевосита эмас, билвосита тарзда амалга оширувчи восита (проху) сифатида хизмат қилиши мумкин. Халқнинг ўзи томонидан рақиб давлатлар халқи билан бошланган шунга ўхшаш халқлараро дастурлар қўшимча “пастдан юқорига” тоифасига киради.

“Қарама-қарши” (Adversarial) модель трансмиллий мулоқот ва ҳамкорлик орқали ҳукуматларнинг қиёфаси ёки сиёсатларига қарши чиқувчи халқ ташаббусларини англатади. Бу модель табиатан “пастдан-юқорига” (bottom-up) тамойилига асосланади.

Бунинг энг ёрқин мисоли трансмиллий ҳимоя тармоқларининг бумеранг намунасидир. Бу намуна орқали фуқаролар турли хил усуллардан фойдаланиб, ҳукумат сиёсатига билвосита таъсир ўтказишга интиладилар. Бундан ташқари, баъзи нодавлат субъектлар ўз ҳукуматининг сиёсатидан норози бўлиб, у яратаётган қиёфа ёки сиёсатдан қониқмаганликлари сабабли, ўз мамлакатлари ҳақидаги айрим тасаввурлар ёки қиёфаларни ўзгартириш ёхуд уларга қарши чиқишни хоҳлашлари мумкин[2; 55].

Халқ дипломатияси бўйича халқаро миқёсдаги олим ва эксперт Қ.Айхан ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ва молиялаштирилган бўлса-да, муайян тарзда маҳаллий аҳолини жалб этувчи “юқоридан-пастга” жамоатчилик дипломатияси ташаббусларини халқлараро ташаббуслар сифатида баҳолайди[3; 3]. Бунинг сабаби шундаки, шахслараро мулоқот ва муносабатларни шакллантириш жараёнлари ҳамда уларнинг натижалари ҳукуматнинг бевосита назоратидан ташқарида рўй беради.

Гарчанд воситачилик орқали амалга ошириладиган халқ дипломатияси мисоллари мавжуд бўлса-да, амалда бу жараёнлар одатда бир-биридан бегона гуруҳлар вакиллари ўртасидаги шахсий мулоқотга асосланади. Халқ дипломатияси, шунингдек янги халқ дипломатияси деб ҳам номланадиган ёндашув доирасидаги сўнгги тадқиқотларда узок муддатли халқ дипломатиясининг асосий мазмуни стратегик манфаатдор тарафлар билан муносабатлар ўрнатиш ва уларни самарали бошқаришдан иборат экани борасида умумий консенсус мавжуд[4; 51].

Барча муносабатлар ижтимоий табиатга эга бўлиб, уларнинг барқарорлиги шахсларнинг фаол иштироки билан таъминланади. Шунини таъкидлаш лозимки, инсонлар

вазирликлар, элчихоналар ва жамиятлар каби маълум тузилмаларнинг вакиллари сифатида фаолияти уларнинг амалиёти ва натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Халқ дипломатиясида шу нарса муҳимки муносабатлар мажозий маънода ташкилотлар номидан амалга оширилса-да, аслида инсонлар томонидан ва улар ўртасида ўрнатилади ҳамда сақлаб қолинади[5; 62].

Расмий жамоатчилик дипломатлари чет элдаги стратегик манфаатдор иштирокчилар билан муносабат ўрната олишлари ва шундай қилаётган бўлсалар-да, ҳукуматнинг бундай муносабатларга асосланган жамоатчилик дипломатияси ташаббусларидаги роли кўпинча фақатгина мулоқотни лойиҳалаш ва воситачилик қилиш билан чекланади, реал муносабатларни эса айнан инсонлар ўзаро қуриб боради ва давом эттиради.

Нодавлат субъектлар ва маҳаллий манфаатдор томонлар ижтимоий муносабатларни қуриш ва сақлашда, қисман юқори имкониятлар ва қўллаб-қувватлаш харажатлари туфайли, яхшироқ имкониятларга эга[6; 57]. Фуқаролар кўпинча ўзаро муносабатларда бошқа фуқароларга нисбатан ҳокимият тенг тақсимланишига эга бўлади, бу эса уларнинг мулоқоти ва алоқасини янада самарали ва барқарор қилади[7; 14]. Маданият, оммавий ахборот воситалари ёки халқаро янгиликлар орқали амалга ошадиган “узоқ, воситали ва юзаки” мулоқотлардан фарқли ўлароқ, чегаралараро одамлар кўпинча ўзаро алоқаларда бир-бирлари билан “яқин, бевосита, тажрибага асосланган ва ижтимоий” муносабатларга эга бўладилар[8; 34]. Ушбу типология ва чегараларни аниқ белгилаш халқ дипломатиясини назарий жиҳатдан асослашда дастлабки ва зарур қадам ҳисобланади, чунки бу ёндашув тадқиқот объекти нимадан иборат эканини аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, халқ дипломатиясининг шакллари турлича манба ва мақсадларга эга бўлиб, унинг таъсир доираси ташаббускорнинг кимлигига ва давлат сиёсати билан боғлиқлик даражасига боғлиқдир.

Қуйидагилар таклиф этилади: Аввало, халқ дипломатиясининг ҳар бир моделини алоҳида ҳолда эмпирик тадқиқ қилиш, айниқса, қўшимча ва қарама-қарши шакллардаги Р2Р ташаббусларнинг воқеий мисоллари асосида ўрганиш муҳим. Иккинчидан, давлат сиёсатини ишлаб чиқишда Р2Р дипломатия орқали келиб чиқувчи ижтимоий кайфиятлар, маданий сигналлар ва ижтимоий ишончни ҳисобга олиш зарур. Учинчидан, мазкур типология асосида янги назарий моделлар, индикаторлар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ҳамда рақамли дипломатия шароитида уларнинг мослашувчанлигини тадқиқ қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kadir Jun Ayhan A Typology of People-to-People Diplomacy Published on USC Center on Public Diplomacy (<https://uscpublicdiplomacy.org>) Nov 04, 2020 P. 1-4
2. Kadir Ayhan. Branding Korea as “My Friend's Country”: The Case of VANK’s Cyber Public Diplomats / KOREA OBSERVER, Vol. 49, No. 1, Spring 2018, pp.51-81 © 2018 by INSTITUTE OF KOREAN STUDIES. <https://doi.org/10.29152/KOIKS.2018.49.1.51>
3. Kadir Jun Ayhan. A Typology of People-to-People Diplomacy Published on USC Center on Public Diplomacy (<https://uscpublicdiplomacy.org>) Nov 04, 2020 P. 3
4. Juyan Zhang, Brecken Chinn Swartz. Toward a model of NGO media diplomacy in the Internet age: Case study of Washington Profile / Public Relations Review Volume 35, Issue 1, March 2009, Pages 47-55
5. Alexander Wendt. An emergent, holistic but flat ontology from Part V - The agent-structure problem redux Published online by Cambridge University Press: 05 May 2015
6. Geun Lee and Kadir Ayhan. Why Do We Need Non-state Actors in Public Diplomacy?: Theoretical Discussion of Relational, Networked and Collaborative Public Diplomacy June 2015 International Journal of Area Studies 22(1):P. 57-77
7. T.Ogawa. New Frontiers in Relational Public Diplomacy Collaborative Cultural Initiatives in Peace Building
8. Book Relational, Networked and Collaborative Approaches to Public Diplomacy Edition1st Edition First published2013 Imprint Routledge P.15 eBook ISBN9780203082430
9. Seong-Hun Yun and Elizabeth L. Toth Future Sociological Public Diplomacy and the Role of Public Relations: Evolution of Public Diplomacy View all authors and affiliations Volume 53, Issue 4 <https://doi.org/10.1177/0002764209347626> 1987.